
ФАРГОНАДА ТУРК ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров маҳаллий тадбиркор Улуғбек Абдураҳимов ҳамда унинг туркиялик ҳамкорлари Али Уйаник ва Жезми Шенни қабул қилди.

Учрашувда Фарғонада ташкил этишга киришилаётган заргарлик заводи лойиҳаси муҳокама қилинди.

Умумий лойиҳа қиймати 10 миллион долларни ташкил этиши кўзда тутилаётган заводда икки йил ичида 300 дан зиёд доимий иш ўрни яратилади. Корхонада олтин ҳамда кумушдан тайёрланган заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилади, шунингдек, завод қошида Изланиш ва ривожлантириш (R&D) бўлими ҳамда касбий таълим маркази фаолият олиб боради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички бозорга йўналтириш билан бирга Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилиниши режалаштирилган.

Вилоядта бўш турган ва фаолият кўрсатмаётган бино-иншоотлардан бирида ижара асосида икки ой ичида ишлаб чиқаришни бошланишига келишиб олинди, Италиядан буюртма берилган йирик жиҳозларнинг етиб келишига қадар Экошаҳар ҳудудидаги кичик саноат зонасида заводнинг янги биноси барпо этилади.

Учрашувда вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари Хабиб Сирожитдинов ва вилоят ҳокимининг ўринbosари Нуриддин Мамажонов ҳам иштирок этдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-31 12:02:48